



КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ “ШОРТАНБАЙ-1” НАВИНИНГ ЎСИБ РИВОЖЛАНИШИДА, МИНЕРАЛ УЎГИТЛАР ВА БИОСИМУЛЯТОРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ.

Калибаева Айгерим Шакен кизи.

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари
институтини магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8430299>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 02-October 2023 yil
Ma'qullandi: 06- October 2023 yil
Nashr qilindi: 11- October 2023 yil

KEY WORDS

Юмшоқ буғдой, ҳосилдорлик, дон сифати, вегетация даври, оқсил, клейковина, нав, уруф, тупроқ, минерал ўғит, азот, фосфор, калий, биостимулятор

ABSTRACT

Кузги буғдойни суғориладиган ерларда етиштиришда экиш ва парваришлаш ишларида йўл қўйилган хатолар ҳисобидан камаядиган ҳосилдорликни бирорта бошқа агротехник тадбир ҳисобидан тўла қоплаб бўлмайди. Шунингдек, кузги буғдой етиштиришда минерал ўғитлар, биостимуляторлардан самарали фойдаланишга, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга имкон берадиган инновацион ресурстежамкор етиштириш агротехнологияларини яратиш республикаимиз ғаллачилигидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Буғдой тупроқдан фосфор ва калийга қараганда азотни кўпроқ олади. Масалан, 1 т буғдой ҳосили учун 35 – 37 кг/га яқин азот, 13 – 14 кг фосфор ва 20 – 23 кг калий талаб қилинади.[1]

Маълумки, минерал ўғитлар ичида азотли ўғитлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар ўсимликни ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этади, ўсиш давомида кечадиган физиологик жараёнларнинг жадал суратларда ўтишига хизмат қилади, физиологик бошқарувни меъёрда ушлаб туради [3].

Фосфорли ўғитлар кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланишида бошқа минерал ўғитлар қаторида аҳамияти каттадир. Маълумотларга қараганда буғдойга фосфорли ўғитларни қўллаш азотли ва калийли ўғитлар беришдан олдин бошланган. Буғдойни фосфорга эҳтиёжи ривожланишнинг дастлабки даврлариданоқ сезилади, шу туфайли фосфорли ўғитларнинг асосий қисмини (70 – 80 %) экишдан олдин солиш тавсия этилади [4].

Минерал ўғитларнинг қўллаш меъёрлари ва муддатларининг самарадорлиги тупроқ - иқлим шароитига, навларнинг хусусиятига буғдойнинг сув билан таъминланганлиги даражасига ва бошқа омилларга боғлиқ. Х.Б. Бухарев (1971) Қашқадарё вилояти шароитида кузги буғдойда минерал ўғитларни $N_{150}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрда, Е.В. Николаев (1993) Жиззах вилояти тупроқлари учун $N_{90}P_{90}K_{50}$ кг/га, Т.Х. Хўжақулов (1991), Н.Х. Халилов (1994) Самарқанд вилоятида ўтлоқи тупроқлари учун $N_{180}P_{70-90}K_{70}$ кг/га, Ш. Қиличев, А. Раҳимов (1997) Хоразм вилоятида $N_{210-250}P_{150-180}K_{100-}$

120 кг/га, О. Ибрагимов (1999) Фарғона вилоятида $N_{190-200}P_{90-100}K_{70-80}$ кг/га, О. Қодиров (2002) Андижон вилояти ўтлоқи ботқоқ тупроқлари шароитида $N_{180}P_{80}K_{60}$ кг/га, О. Мирзаев, Б. Азизов, З. Жумабоев (2002) $N_{200}P_{150}K_{120}$ кг/га меъёрларида қўллаш энг юқори дон ҳосилдорлигини таъминланишини асослаб беришган.

Азотли ўғитлар ва биостимуляторлар берилмаган вариантларда кузги буғдой эртароқ пишиди. Кузги буғдойнинг пишиш даври 4 – 14 июн кунларига тўғри келди. Кузги буғдойнинг вегетация даврига ўғитлаш меъёрларининг таъсири сезиларли бўлди. Азотли ўғитлар ва стимуляторлар қўлланилмаган вариантда кузги буғдойнинг пишиш даври 4 июн, азотли минерал ўғитлар ва стимуляторлар билан озиклантирилган вариантларда 9-14 июн кунлари кузатилди.

Пишиш даври $N_{180}P_{100}K_{60}$ + гумимакс, $N_{210}P_{100}K_{60}$ + гумимакс ва $N_{180}P_{100}K_{60}$ + Fertiplant, $N_{210}P_{100}K_{60}$ + Fertiplant вариантларида эса 255 кундан иборат бўлди.

Биостимуляторлар қўлланилмаган $N_{180}P_{100}K_{60}$, $N_{210}P_{100}K_{60}$, $N_{240}P_{100}K_{60}$ ва $N_{270}P_{100}K_{60}$ вариантларда бошоқлаш даврининг давомийлиги 254-257 кун эканлиги кузатилди.

Азотли ўғитлар берилмаган (ФОН) вариантда майсалашдан бошоқлашгача бўлган давр 251 кунни, $N_{240}P_{100}K_{60}$ + гумимакс $N_{270}P_{100}K_{60}$ + гумимакс ва $N_{240}P_{100}K_{60}$ + Fertiplant, $N_{270}P_{100}K_{60}$ + Fertiplant вариантларида кузги буғдойнинг вегетация даври энг узоқ бўлиб, 255-258 кунни ташкил этди.

Кузги буғдой азотли минерал ўғитлар ва биостимуляторлар билан озиклантирилганда пишиш даври азотли ўғитлар берилмаган вариантга нисбатан 4-7 кунгача узайиши аниқланди.

Хулоса: Ўсимлик ривожланиш фазаларида минерал ўғитлар билан озиклантирилиши ўсимликнинг тўлиқ шаклланишига олиб келади;

- Республиканинг шимолий туманларида барча буғдой навларини азотли ўғитлар билан озиклантирилмасдан юқори ҳосил олиш имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун озиклантирилмаган ҳолда буғдой етиштириш тавсия этилмайди;

- азотли ўғитлар меъёрини иқтисод қилиш мақсадида $N_{210}P_{100}K_{60}$ + Fertiplant ва $N_{210}P_{100}K_{60}$ + новоорганик биостимуляторлари билан 3 марта озиклантирилган ҳолда буғдой етиштириш тавсия этилади;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев А., Юнусов Р., Тўхтаев Ш.Х., Умаров Қ.У. Бухоро тупроқ-иқлим шароитида кузги буғдой навларини экиш муддатлари // Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи миллий конференция материаллари: Тошкент.: 2004. 193-195 б.
2. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта» М Колос, 1979
3. Захаров П.Я., Беленков А.И., Крейс В.А., Журкевич О.А. Влияние основных обработок южных почв на урожайность зерновых и отдельные факторы плодородия. // Зерновое хозяйство.-Москва, 2005, №5. С. 31-33.
4. Муйдинов Х. Кузги буғдой ҳосилдорлигига экиш меъёрини таъсири // Ёш олимлар – қишлоқ хўжалик Фани ва амалиётини юксалтиришда етакчи куч; Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий ва олий таълим муассасалари магистрлари, аспирантлари, тадқиқотчилари ва докторантларининг илмий амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами, II Жилдлик, - I жилд. // AGRO

ILM, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали илмий иловаси.- Тошкент, 2008. 153-156 б.



INNOVATIVE
ACADEMY